

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.08/2025.27.12.Qx.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

ҒАНИЕВА ДИЛНОЗА МУҚУМЖОНОВА

**ОЛМА НАВЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА
ЕТИШТИРИШ ВА САҚЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Ғаниева Дилноза Муқумжонова

Олма навларини замонавий технологиялар асосида етиштириш ва сақлаш
жараёнларини такомиллаштириш..... 3

Ғаниева Дильноза Муқумжонова

Усовершенствование процессов выращивания и хранения сортов яблони
на основе современных технологий..... 21

Ganieva Dilnoza Mukumjonovna

Improving the processes of growing and storing apple varieties using modern
technologies..... 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.08/2025.27.12.Qx.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

ҒАНИЕВА ДИЛНОЗА МУҚУМЖОНОВА

**ОЛМА НАВЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА
ЕТИШТИРИШ ВА САҚЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2026.1.PhD/Qx1737-рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исламов Соҳиб Яхшибекович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Искандаров Зафар Самандарович,
техника фанлари доктори, профессор

Бобоева Хилола Абдурахмановна,
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.08/2025.27.12.Qx.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 2 июнь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Ахборот ресурс маркази биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (556485-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.:(+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2026 йил 18 май куни тарқатилди.
(2026 йил 7 апрелдаги 28-рақамли реестр баённомаси).

Ш.И. Асатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор

М.З. Холмуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.ф.д., доцент

С.А. Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда олма экилган боғлар майдони йилдан-йилга ошиб бормоқда. “Хитой (2,0 млн. га), Ҳиндистон (304 минг га) ва Россия (201 минг га) каби давлатлар бу борада етакчилик қилмоқда, жаҳон бўйича эса жами 4,6 млн. га майдонда олма боғлари мавжуд”¹. Олма етиштирувчи кўпгина мамлакатларда мева сифатига жиддий эътибор қаратилади. Шу сабабли, хавфсиз ва юқори сифатли маҳсулот етиштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда, атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда, фойдали ҳашаротларни сақлаб қолиш ва инсон саломатлигига хавф туғдирмайдиган технологияларни қўллаш орқали олма етиштириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу усуллар меваларнинг табиийлигини таъминлайди ва истеъмолчилар ишончини оширади.

Жаҳон миқёсида меваларни қоғоз қопчалар билан ўраш натижасида сифат ва физиологик жараёнларнинг ўтиши билан боғлиқ ўзгаришлар чуқур ўрганиб келинган. Охирги йилларда қоғоз қопчалар билан ўраш тадбирларида анъанавий мева турларидан ташқари жуда кўп ноёб, субтропик ва тропик мевалар ҳам тадқиқотларга жалб қилинмоқда. Лекин кескин континентал иқлимли, Ўрта Осиё минтақасида қоғоз қопчаларни тадқиқ этиш, уларни олма меваси ишлаб чиқаришидаги аҳамияти ҳанузгача очиқ қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича, хусусан экологик-соф технологиялар асосида меваларни етиштириш ҳамда экспортбоп маҳсулот тайёрлаш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилган. “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, шунингдек, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларида “... қишлоқ хўжалиги ... ерларида босқичма-босқич органик ишлаб чиқаришга ўтиш...” бўйича топшириқ ва режалар баён қилинган. Ушбу мақсадларга эришишда, экологик соф технологиялар асосида мева боғларини барпо қилиш, уларда табиий усулларда, органик қишлоқ хўжалиги шароитида экспортбоп мева маҳсулоти ишлаб чиқариш долзарб масала бўлиб, хорижий тажрибаларга мувофиқ мевали боғларда пестицид, гербицид, минерал ўғитлар қўлламасдан юқори сифатли мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкинлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 12 августдаги ПФ-130-сон “Қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этишни янада жадаллаштириш орқали самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, боғдорчилик бўйича илғор, янги инновацион технологиялар ва ишланмаларни шакллантириш, соҳада ресурстежамкор, экспортга йўналтирилган, экологик талабларга тўлиқ мувофиқ

¹ www.fao.org/faostat/en/#data/QCL

келувчи мева маҳсулотларини етиштириш, етказиб бериш, сақлашни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқотлар республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олма меваларини экологик соф технологиялар – меваларида қоғоз қопчаларни қўлланишига бағишланган илмий ишлар жуда кўп бўлиб, О. Arakawa, N. Uematsu, H. Nakajima (1994), H.J. Jia, A. Araki, G. Okamoto (2005), B.P. Singh (2005), Y.H. Kim (2008), S. Mangaraj, T.K. Goswami, P.V. Mahajan (2009), M. Hudina, F. Stampar (2011), R. Teixeira (2011), R.R. Sharma (2013), N.A. Abbasi (2014), B.B. Zhang (2015), B. Chen (2017), M.M. Akter (2020), A. Pisciotta (2020), J.A. Yuri (2020), N.M.D. Buthelezi, T.P. Mafeo, N. Mathaba (2021), M.N. Khan (2021), R. Leisso (2021), C. Gao (2022), X.Y. Wang (2022), M.A. Hossen (2024) хорижда ўз илмий ишларини олиб борганлар.

Юқоридаги олимларнинг ишларида турли мева экинларида қоғоз қопчаларни қўллашнинг усуллари, муддатлари, ушбу қопчаларнинг мева ҳолатига, ундаги бўлаётган физиологик, биокимёвий ўзгаришларга, шунингдек, меваларнинг механик, технологик сифатларига таъсири, меваларнинг органолептик ва сенсор ўзгарувчанлигини тадқиқ қилганлар. Илмий ишлар асосан АҚШ, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Бангладеш ва шу каби мамлакатларда олиб борилган.

Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитларида олма навларини етиштиришда экологик тоза технологияларни қўллаган ҳолда етиштириш долзарб бўлиб, сўнгги 15-20 йилда бунга анчагина аҳамият қаратилган. Республикада олма меваларида қоғоз қопчаларни қўлланилиши бўйича йирик амалий лойиҳа бажарилган бўлиб, ҚХ-А-КХ-2018-530-рақамли “Уруғли мева экинлари меваларини зараркундалардан ҳимоя қилишнинг экологик тоза усуллари қўллашда ва уларни ўсишини тезлаштиришда ўсимликлардан экстракт қилинган табиий биологик фаол моддаларининг таъсири ва хусусиятларини тадқиқ қилиш” лойиҳасида олма, нок, узум меваларида қоғоз қопчаларнинг аҳамияти, уларнинг меваларни сақланишидаги ўрни, меваларнинг пигментациясидаги ўзгаришлар, сифат кўрсаткичлари бўйича катта илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Лойиҳа доирасида Ш. Ражаметов, С. Абдуллаев, А. Каюмов, Г. Караходжаева, Ш. Ахмедов, Н. Джалиловларнинг илмий ишлари эълон қилишган бўлиб, ушбу ишларда республикамизнинг марказий минтақасида мевали боғ ва токзорларда қоғоз қопчаларни қўллашнинг амалий аҳамияти бўйича қатор янгиликлар маълум қилинган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ипакчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси кафедрасидаги №4.1-рақамли “Уруғмевали ўсимликларни

етиштириш ва сақлашда экологик тоза бўлган замонавий технологияларни қўллаш” (2022-2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олманинг меваларида турли хилдаги қоғоз қопчаларнинг биологик, технологик кўрсаткичларига таъсирини ҳамда меваларни сақланувчанлигини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг вазифалари;

турли қоғоз қопчалар қўллашнинг олма меваларини биометрик кўрсаткичлари ва пишиш муддатларига таъсирини ўрганиш,

қоғоз қопчалар ўрашнинг олма мевасини сифат кўрсаткичлари ва навларнинг ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

қоғоз қопчалар қўллашнинг олма меваларидаги касаллик ва зараркунандаларга таъсирини ўрганиш ҳамда меваларнинг биокимёвий таркибини тадқиқ қилиш;

турли қоғоз қопчалар қўллаб етиштирилган олма меваларининг сақланувчанлигини ўрганиш;

қоғоз қопчалар таъсирида мевалар сақланиши мобайнида биометрик, морфометрик кўрсаткичлари ўзгарувчанлиги ҳамда органолептик хусусиятларига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олманинг хорижий селекцияга мансуб Пинк леди, Гала, Старкримсон, Вильямс Прайд, Кинг Девид, Мутсу ва Ред Чиф навларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети олма меваларида оқ, сариқ ва қора рангли қоғоз қопчаларнинг таъсирида ўсув даврининг ўзгариши, олма ғўрасининг биометрик кўрсаткичлари, олма ҳосилдорлиги, мева анатомияси ва физиологияси, меваларнинг биокимёвий таркиби ва сифатининг ўзгарувчанлиги, олма навларининг касаллик ва зараркунандалар билан шикастланиши, шунингдек, олма меваларининг сақланувчанлиги, меваларнинг органолептик кўрсаткичларини ўзгарувчанлиги тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Олма навларини комплекс тадқиқоти “Мевали, резавор ва ёнғоқмевали экин турлари навларини ўрганиш дастури ва услуги” ҳамда “Мевали, резавор, субтропик, ёнғоқмевали ва узум коллекциялари навларини ўрганиш дастури ва услуги”идан шунингдек, Я.С.Нестеровнинг “Интенсив типдаги навларни аниқлаш ва уруғли мева боғлари коллекцияларини ўрганиш”, ажратиб олинган олма навларининг қимматли-хўжалик белгилари манбаларини таърифлаш ВИР дескрипторлари, иқтисодий ҳисоб-китоблар П.Ф.Дубров услуги асосида фойдаланган ҳолда олиб борилди. Тадқиқотларни статистик таҳлил қилиш Б.А.Доспеховнинг дисперсион анализи асосида олиб борилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат;

илк бор Андижон вилояти шароитида олма меваларига турли қоғоз қопчаларни ўраш таъсирида пишиш муддатларини назоратга нисбатан Мутсу навида 8-40 кун, Старкримсон навида 6-9 кун, Кинг Девид навида 2-6 кун ва Вильямс Прайд навида 2-7 кунгача чўзилиши ҳамда меваларнинг шакли ўзгариши аниқланган;

қоғоз қопчалар ўраш таъсирида Вильямс Прайд ва Кинг Девид навларида антоцианлар миқдори энг юқори бўлганлиги, мева пўстлоғи қуёшдан зарарланмаганлиги, шунингдек сариқ қоғоз қопчалар ўраш таъсирида бир тупдаги ҳосил бўйича назоратга нисбатан Пинк леди навида 7 кг, Гала навида 25 кг, Старкримсон навида 15 кг, Ред Чиф навида 13 кг гача юқори ҳосил олинганлиги исботланган;

олма меваларига сариқ ва қора қоғоз қопчаларни ўраш орқали олма қурти ва гунафшаранг қалқондор (0-0,1 балл) зараркунандалари ҳамда калмараз ва ун шудринг касалликлар билан (0,1-0,2 балл) деярли зарарланмай, биокимёвий таркибини ўзгарувчанлиги бўйича қоғоз қопчалар таъсирида меваларнинг умумий кислоталик 0,8%гача ошганлиги ҳамда умумий қанд миқдори 2% гача камайганлиги аниқланган;

қоғоз қопчалар билан ўралган олма меваларини сақлаш давомийлиги назоратга нисбатан 15 кундан (табiiй омборхона) 25 кунгача (совутиш камераси) кўпроқ сақланиб, табiiй камайиши назоратга нисбатан 4,6% (табiiй омборхона) ва 4,5% (совутиш камераси) пасайиши исботланган;

оқ қоғоз қопчада олма мевалари пўсти қаттиқлиги 30 кун сақлангандан сўнг, 8,3-9,5 кг/см², 60 кун сақланганда – 7,6-9,1 кг/см², 90 кун сақланганда эса, 6,9-8,5 кг/см² бўлиб, мева эти бўйича ҳам мос равишда 7,2-8,5; 6,5-8,0 ва 5,8-7,4 кг/см² ташкил қилган;

олма меваларининг органолептик кўрсаткичлари қоғоз қопчалар билан ўралганда ўртача 0,2-0,8 баллга пастроқ бўлганлиги билан назорат варианты юқори бўлганлиги, шунингдек 30 кун, 60 ва 90 кун сақланганда, меваларнинг органолептик кўрсаткичлари оқ қоғоз қопчаларда юқорирок бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қоғоз қопчаларни қўллаш натижасида меваларни пишиш муддатларининг давомийлиги 5-8 кунга узайган;

қоғоз қопчалар билан меваларни ўраш муддатларини кечикиши, уларнинг пишиш муддатларини 2-13 кунга (оқ қоғоз қопча), 4-27 кунга (сариқ қоғоз қопча) ва 4-49 кунга (қора қоғоз қопча) узайиши аниқланган;

қоғоз қопчалари билан ўралган мева дарахтларидаги ҳосилдорлик ошиб, ўртача 4-9 кг/тупни ташкил қилган;

мевалардаги антоциан миқдори қоғоз қопчалар билан ўралган меваларда паст бўлиб, Кинг Девид ва Вильямс Прайд навларида гуллашдан кейин 150 кун ўтгач, мос равишда 0,9-7,4 мг/100 г ва 2,4-6,5 мг/100 г ташкил қилиб, қолган навларда назоратга нисбатан 16-98% кам антоциан тўпланган;

қора рангли қоғоз қопчаларни қўллашда бирорта физиологик шикастланишлар кузатилмаган, сариқ рангли қопчада меваларни пишиб ўтиб кетиши кузатилган бўлса, оқ рангли қоғоз қопчада мевани пишиб ўтиб кетиши, мевалардаги турли доғланишларнинг мавжудлиги кузатилган;

қора қоғоз қопчалар таъсирида касаллик ва зараркунандалард билан зарарланиш кузатилмаган бўлса сариқ рангли қопчада 0,1 баллда олма қурти билан зарарланиш, оқ қоғоз қопчада 0,1-0,2 балл билан зарарланиш кузатилган,

қоғоз қопчалар билан ўралмаган меваларга нисбатан зараркунандалар билан зарарланиш 13-44 марта камроқ содир бўлган;

олма мевалари табиий омборхонада сақланганда, қоғоз қопчалар таъсирида сақланиш муддати 5-15 кунга узайиб, табиий камайиш меъёри 1,4-4,5% пасайган;

олма меваларини оқ қоғоз қопча ўраб сақлашда мева этининг ва пўстининг қаттиқлиги назоратга нисбатан 0,1-0,4 кг/см² юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий-тадқиқотнинг ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистика таҳлил услубларидан фойдаланилганлиги ва олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши, тўпланган хулоса ва қонуниятларнинг илмий асосланганлиги, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан таққослангани, шунингдек, тажриба натижаларининг ЎзР ОАК томонидан эътироф этилган хорижий ва республика илмий журналларида чоп этилгани, олинган самарали натижаларни ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, қоғоз қопчалар таъсирида олма меваларида антоциан пигментини шаклланишининг бузилиши ва унинг муддатларини аниқланганлиги, физиологик жараёнларда нав хусусиятлар билан биргаликда меванинг алоҳида биометрик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ҳам муҳим эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олманинг истиқболли, экспортбоп навларида қоғоз қопчаларни қўллаш ҳисобига юқори сифатли ва баланд нархда баҳоланадиган меваларни тайёрлаш услубларини ишлаб чиқилганлиги билан баҳоланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олма навларини замонавий технологиялар асосида етиштириш ва сақлаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Андижон вилояти Асака туманидаги “Асака хонлар боғи” фермер хўжалигининг 1,0 гектар, “Кужган олтин даласи” фермер хўжалигининг 12,0 гектар майдонида етиштирилган олманинг Пинк леди, Гала, Старкримсон, Вильямс Прайд, Кинг Девид, Мутсу ва Ред Чиф навларини сариқ ва қора қопчалар билан ўраб сақлаш ишланмаси “Асатилло файз” МЧЖга қарашли омборида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 12 декабрдаги 05/06-04-901-сон маълумотномаси). Натижада, вегетация даврида олма меваларини сифатли етиштириш имконини берган ва иқтисодий кўрсаткичлари 55-70% юқори бўлган.

Андижон вилояти Хўжабод туманидаги “Ният-1” фермер хўжалигининг 3,0 гектар майдонида етиштирилган олманинг Пинк леди, Гала, Старкримсон, Вильямс Прайд, Кинг Девид, Мутсу ва Ред Чиф навларини сариқ ва қора қопчалар билан ўраб сақлаш ишланмаси “Куввот Мурод” МЧЖга қарашли омборида амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва

инновациялар миллий марказининг 2025 йил 12 декабрдаги 05/06-04-901-сон маълумотномаси). Натижада, қўшимча 95 млн. сўм даромад олишга эришилган. Меваларни қоғоз қопчалар билан ўраш бўйича ишлангани жорий қилиш эвазига қўшимча 60-65% даромад олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, шу жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда жами 3 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий-тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети берилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Қоғоз қопчаларнинг олмани етиштиришда ҳамда меваларини сақлашдаги аҳамиятининг назарий ва амалий асослари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида Олмани етиштиришда ва меваларини ҳимоя қилишда қоғоз қопчаларнинг аҳамияти, Олма меваларини сақланишида қоғоз қопчаларнинг ўрни ҳамда уларнинг таъсири тадқиқотлар маълумотлари баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти, услуги**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган тажриба даласининг тупроқ-иқлим шароити, объекти ҳамда алоҳида тажрибаларни ўтказиш услуги батафсил ёритилган. «Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти, услуги» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш усуллари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Олмани етиштиришда турли хилдаги қоғоз қопчаларнинг аҳамияти**» деб номланган учинчи бобидан бошлаб тажриба

натижалари келтирилган. Ушбу бобида 2022-2024 йилар давомида Олмани ўсув даврини ўзгаришида қоғоз қопчаларнинг таъсири келтирилган.

Олманинг ўсув даврини ўзгаришида қоғоз қопчаларнинг таъсирини ўрганиш бўйича тажриба майдонида олма навларининг 7 та шунингдек назорат қоғоз қопчасиз ва қоғоз қопчаларни 3 та вариантида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, фенологик фазалар ривожланишининг бошланғич фазалари, яъни куртакларнинг бўртиши ва гуллашнинг бошланиши муддатлари вариантлар бўйича сезиларли фарқ қилмаган. Масалан, “Вильямс Прайд” навида куртакларнинг бўртиши 4-мартда, гуллаш бошланиши эса 27-мартда барча вариантларда мос равишда кузатилди. Шу каби фарқланиш “Гала”, “Старкримсон” ва бошқа навларда ҳам қайд этилган.

Олма навларида меваларнинг пишишининг бошланиши вариантларга боғлиқ ҳолда сезиларли даражада ўзгарганлиги аниқланди. Назорат вариантида “Вильямс Прайд” навида меваларнинг пишиши 29-июлда бошланган бўлса, оқ қоғоз қопча қўлланганда 31-июлга, сариқ қопчада 2-августга ва қора қопчада 5-августга кечиканлиги аниқланди.

Шунингдек, “Кинг Девид” навида пишиш назоратда 13-августда бошланган бўлса, оқ қопчада 15-август, сариқ қопчада 16-август ва қора қопчада 19-августга тўғри келди. “Старкримсон” навида эса бу кўрсаткич мос равишда 16-августдан 25-августгача кечиканлиги аниқланган. “Гала” навида 15-августдан 23-августгача, “Мутсу” навида 19-сентябрдан 1-октябргача, “Ред Чиф” навида 20-сентябрдан 28-сентябргача кечикиш қайд этилди. Энг кечпишар нав ҳисобланган “Пинк Леди” навида меваларнинг пишиши назорат вариантида 25-октябрда бошланган бўлса, оқ қопчада 28-октябрь, сариқ қопчада 30-октябрь ва қора қопчада 2-ноябргача кечиканлиги кузатилди.

Пишиш даврининг давомийлиги ҳам вариантлар кесимида ортиб борганлиги аниқланди. Жумладан, “Вильямс Прайд” навида назоратда 8 кунни ташкил этган бўлса, қора қопчада 11 кунгача, “Гала” навида 9 кундан 13 кунгача, “Ред Чиф” навида 12 кундан 15 кунгача узайган. Бу эса меваларнинг пишиш етилиш жараёнининг қопча таъсирида секинлашганлиги аниқланди.


Вегетация даврининг якуний босқичи хазонрезгиликнинг бошланиши ҳам вариантлар бўйича маълум даражада фарқ қилган. Назорат вариантида барг тўкилиши асосан октябр охири – ноябрь бошларига тўғри келган бўлса, қопча қўлланган вариантларда ушбу жараён 1–5 кун кечроқ кузатилди. Жумладан, “Пинк Леди” навида хазонрезгилик назоратда 15-ноябрда бошланган бўлса, қора қопчада 20-ноябрга тўғри келган.

Мева ранги ва антоциан миқдори, ўралмаган олмаларда қизил ранг интенсивлиги 45-55% бўлган. Қоғоз қопчада 40 кун сақланган меваларда қизил ранглик даражаси 70-80% га етган. Шакар ва кислоталик, ўралган олмаларда умумий эрувчан шакар миқдори 15-18% га кўпайган. Органик кислоталар миқдори эса, 10-12% камайган, бу ўз навбатида меваларни таъми янада ширин бўлишига олиб келган. Мевалар пўсти сифатининг яхшиланиши, қоғоз қопча билан ўралмаганда қора доғ ва мевалар пўстидаги нуқсонлар 20-30% кўпроқ учраган бўлса, ўралган меваларда бу кўрсаткич 3-7% гача тушган.

Ҳосилдорлик ва бозорбоплик бўйича, сифатли (бозорга чиқадиган) олмалар улуши, ўралмаган ҳолатда 60-65%, қоғоз қопчалар билан ўралганида 85-90%га етган. Олма меваларини пишиш вақти, ўралганда пишиш муддати ўралмаганга нисбатан 7-10 кун кечиккан. Ниҳоят, фактларга асосланадиган бўлсак, қоғоз қопчалар ҳосил миқдорини бевосита оширмайди, лекин зарарланган мевалар улушини 4-6 баробарга камайтиради. Бунда бозорбоп меваларнинг улуши 25-30% га ошади.

Олма меваларини институт боғларида куйидаги тартибда қоғоз қопчаларга ўралди: меваларнинг ғўра даврида, гуллашдан 20-40 кундан кейин уч хил – оқ, сариқ ва қора рангли қоғоз қопчалар билан ўралди. Ўралгандан сўнг мева бандига қопчанинг сими қистириб қўйилди. Шундан сўнг, ҳар 10-15 кун оралиғида ғўраларнинг ўлчамлари ҳисоблаб борилди. Олманинг фенологик фазаларини ўтиши бунда белгилаб борилди.

Олманинг Мутсу нави пишиш муддатига кўра қишқи нав. Меваси йирик. Дастлабки ўлчовлар натижасига кўра, барча вариантларда 0,1 см дан 0,5 см гача фарқ кузатилди. Қоғоз қопча ўралгандан 52 кун ўтгач, ўлчовларда мева эни 4,7-5,6 см, бўйи эса 4,0-4,6 см гача эканлиги аниқланди. Боғда олиб борилган энг сўнгги ўлчовлар сентябр ойининг иккинчи ўн кунлигида олиб борилиб, 20 сентябр куни техник пишганлиги сабабли, мевалар териб олиниб, совуткичга сақлашга қўйилди. Қоғоз қопча ўралгандан 142 кун ўтгач мевалар техник пишиб етилди. Кинг Девид олма нави пишиш муддатига кўра кеч кузги нав. Мева ўлчами ўртача, вариантлардаги дастлабки ўлчовларга кўра, мевалар бўйи ва энидаги фарқ 0,1-0,4 см эканлиги кузатилди. Қоғоз қопчалар ўралгандан 66 кун ўтгач, мевалар ўлчовида эни 5,0-5,6 см, бўйи 3,9-4,4 см лиги аниқланди. Охириги боғдаги мевалар ўлчовлари қоғоз қопчалар ўралгандан 97 кун ўтгач, мевалар 5,1-6,7 см га етганлиги аниқланди. Август ойининг бошларида мевалар техник пишганлиги аниқланиб, териб олиниб, совуткичга сақлашга қўйилди (1-расм).



1-расм. Олма меваларининг ўсиши ва ривожланишига қоғоз қопчаларнинг таъсири

Қоғоз қопчалар ўралган мевалар очик ҳолдаги мевалардан фарқи – уларнинг барчаси стандарт бир хил рангда бўлиши ҳамда сақлаш даврида қоғоз қопчалар

рангларига кўра меваларнинг бирин кетин пишиши бўлди. Бунга сабаб, ҳар хил рангларнинг қуёш энергияси ва ёруғликни ўтказувчанлигини бир хил эмаслиги ҳисобланади. Вильямс Прайд олма нави пишиш муддатига кўра эртаги кузги меваси йирик нав. Май ойини бошида боғда олиб борилган ўлчовларга кўра, олма мевасининг эни 2,5 см дан 3,2 см гача, бўйи 3,0-3,6 см гача фарқ кузатилди. Қоғоз қопча ўралгандан 52 кун ўтгач, ўлчовларда мева эни 5,0-6,0 см, бўйи эса 4,2-5,1 см гача эканлиги аниқланди. Июлни бошига келиб олма меваси эни бўйига нисбатан сезиларли йириклаша бошлади. Мева эни 5,3-6,5 см, бўйи 4,7-5,8 см гача бўлди. Боғда олиб борилган энг сўнгги ўлчовлар августни бошида ўтказилди, шунингдек мевалар техник пишганлиги сабабли, улар териб олиниб, совуткичга сақлашга қўйилди. Қоғоз қопча ўралгандан 97 кун ўтгач мевалар техник пишиб етилди.

Меваларнинг ўсиши, ўлчовларга кўра, барча навларда оқ қоғоз қопча, сариқ қоғоз қопча ва қора қоғоз қопча шароитларида мева бўйи ва эни назоратга нисбатан кичикроқ бўлган. Бироқ, сўнгги ўлчовларда бу ҳолат аксинча, қопча билан ўралган мевалар, айниқса сариқ қоғоз қопча ва қора қоғоз қопча шароитида, назорат вариантыга нисбатан йирикроқ бўлиб ўсган. Бу, қопчалар меванинг ривожланишини секинлаштириб, унга кўпроқ ўсиш ва ривожланиш учун вақт берганлигини аниқлаштириши мумкин.

Шакл индекси (бўйи/эни нисбати) меванинг чўзиқ ёки юмалоқ шаклда бўлишини ифодалайди. Кўпгина ҳолатларда, қопчалар билан ўраш шакл индексини ўзгартирган, яъни мевалар кўпроқ юмалоқроқ (индекс пастрок) ёки чўзиқроқ (индекс юқорироқ) бўлиб ўсган. Меваларга қоғоз қопча билан ўраш уларнинг ўлчамлари ва шаклига ҳам таъсир қилади. Дастлабки кичик ўлчамларига қарамай, қопча билан ўралган мевалар якуний босқичда назорат вариантыга нисбатан каттароқ бўлиб етишган. Бу ҳолат, айниқса сариқ (сариқ қоғоз қопча) ва қора (қора қоғоз қопча) қопчаларда янада яққолроқ кузатилган. Шакл индексидаги ўзгаришлар ҳам ҳар бир навнинг ўзига хос реакциясини кўрсатади.

Олма меваларини ҳосилдорлигини таҳлил қилганимизда, турли қоғоз қопчаларни қўллаш бўйича фарқлар сезиларли бўлган. Олманинг Пинк леди нави қоғоз қопча билан ўралмаган ҳолда, ҳар бир тупидан ўртача 80 кг, оқ қоғоз қопча билан ўралганда 84 кг, сариқ қоғоз қопчада 87 кг, қора қоғоз қопчада эса 83 кг ни ташкил қилди. Гала навида эса қопчасиз ҳолатда 100 кг, ҳосил олинган бўлсада, оқ қоғоз қопчада 123 кг, сариқ қоғоз қопчада 125 кг, қора қоғоз қопчада эса 120 кг ни мевалар қопчалар билан ўралганда Гала навида юқори натижа сариқ қопчада кузатилгани аниқланиб.

Старкримсон навида назоратда 153 кг бўлган ҳосилдорлик оқ қопчада 148 кг ва сариқ қоғоз қопчада 168 кг гача ошган, қора қоғоз қопчада 145 кг ни энг юқори натижа сариқ қопчада кузатилгани аниқланди. Ред Чиф навида назоратда 124 кг бўлган ҳосилдорлик сариқ қопчада 137 кг га етган, қора қоғоз қопчада 144 кг билан қайд этилган, оқ қопчада эса 116 кг ни ташкил этган. Вильямс Прайд навида мос равишда 95 кг (назорат), 102 кг (оқ), 108 кг (сариқ) ва 98 кг (қора) натижалар олинган бўлиб, бу ерда ҳам сариқ қопча энг юқори самаралиги аниқланди.

Кинг Девид навида ҳосилдорлик 110 кг дан 124 кг гача ошган бўлиб, сариқ

қопча энг юқори натижани берган, оқ ва қора қопчаларда эса мос равишда 1118 ва 112 кг ни ташкил этган. Мутсу навида назоратда 140 кг бўлган ҳосилдорлик сариқ қопчада 165 кг гача ошган, оқ қопчада 152 кг ва қора қопчада 148 кг натижа қайд этилган. Ўртача кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики, назоратда 114,6 кг бўлган ҳосилдорлик оқ қоғоз қопчада 120,4 кг, сариқ қоғоз қопчада 130,6 кг ва қора қоғоз қопчада 121,4 кг ни ташкил этган. Бу эса сариқ қоғоз қопчалар энг юқори самарадорликка эга эканлигини кўрсатиб, қоғоз қопчаларнинг таъсирида ўртача ҳосилдорлик қоғоз қопча ишлатилмаган ҳолатга нисбатан юқори бўлди. Қопча рангининг таъсирида эса, энг юқори ўртача ҳосилдорлик сариқ (сариқ қоғоз қопча) ва қора (қора қоғоз қопча) қопчалар билан ўралган вариантларда кузатилган. Бу, ушбу қопчаларнинг меванинг ривожланиши учун қулай микроклим яратиш орқали унинг ўсишини кучайтирганлиги аниқланди.

Олма навлари кесимида эса, Пинк Леди навида ҳосилдорлик бўйича деярли ўзгариш йўқ. Қопчалар билан ўралган мевалар ҳосилдорлиги назоратга нисбатан бироз юқорироқ бўлиб ҳосилдорлик оқ қоғоз қопча вариантыда кузатилганлиги қайт этилди.

Гала навида қопчалар ҳосилдорликни сезиларли даражада оширган. Назоратда 100 кг/туп бўлса, сариқ қоғоз қопча вариантыда бу кўрсаткич 125 кг/тупга етган. Қопча билан ўралган мевалар ҳосилдорлиги назоратга нисбатан бироз пасайган бўлиб. Ред Чиф навда эса ҳосилдорлик жуда сезиларли даражада ошган. Назоратда 124 кг/туп бўлса, қора қоғоз қопча вариантыда бу кўрсаткич 144 кг/туп га этган. Бу, қора рангли қопчаларнинг ушбу нав учун жуда қулай шароит яратганини кўрсатади. Олма меваларига қоғоз қопча билан ўраш ҳосилдорликка ижобий таъсир кўрсатади, гарчи бу таъсир наждан навга фарқ қилаганлиги аниқланиб. Хусусан, сариқ (сариқ қоғоз қопча) ва қора (қора қоғоз қопча) рангли қопчалар кўпгина навларда, масалан, Гала ва Ред Чиф навларида, ҳосилдорликни сезиларли даражада ошганлиги аниқланди. (1-жадвал).

1-жадвал

Олма меваларини ҳосилига турли қоғоз қопчаларнинг таъсири, кг/туп (ўртача 2022-2024 йй.)

Навлар номи	Мевалар қопча билан ўралмаган	Мевалар қопчалар билан ўралган		
		оқ қоғоз қопча	сариқ қоғоз қопча	қора қоғоз қопча
Пинк леди	80	84	87	83
Гала	100	123	125	120
Старкримсон	153	148	168	145
Ред Чиф	124	116	137	144
Вильямс Прайд	95	102	108	98
Кинг Девид	110	118	124	112
Мутсу	140	152	165	148
Ўртача	114,6	120,4	130,6	121,4
ЭКФ05	41,1	41,1	41,1	41,1

Олма меваларини қоғоз қопчалар билан ўраш куруқ модданинг сарфланишини секинлаштиради ва унинг сақланиш муддатини узайтиради.

Мазкур тадқиқотда олма навлари Вильямс Прайд, Кинг Девид, Старкримсон ва Мутсу навларида мева сифат кўрсаткичларининг қоғоз қопчага


ўраш муддати (10, 20 ва 30 кун) ҳамда назорат вариантыга нисбатан ўзгариш ўзаро боғлиқ тарзда ўрганилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, барча ўрганилган навларда мева сифат кўрсаткичлари вақт омили ва агротехник таъсир натижасида сезиларли даражада ўзгаради. Айниқса, қоғоз қопчага ўраш муддати кечикан сари кўрсаткичларда маълум даражада пасайиш кузатилди. Бу эса ўсимлик организмида кечадиган биокимёвий жараёнларнинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси натижасида шаклланишини яна бир бор аниқланди.

Вильямс Прайд мазкур навда дастлабки кўрсаткичлар нисбатан юқори бўлиб, мос равишда 15,3; 14,7; 13,8 кўрсаткичлар қайд этилган. Бу даврда меваларда ўзлаштириш жараёнлари фаол кечганлиги, ёруғликни ўзлаштирувчи тизим самарали ишлаганлиги кузатилди. Кейинги натижаларда эса кўрсаткичлар 11,5; 10,9; 10,3 гача пасайганлиги аниқланди. Энг охириги вариантларда эса кўрсаткичлар 9,8; 9,1; 8,7 даражага тушган аниқланди.

Кинг Девид навида кўрсаткич 16,9 ни ташкил этган бўлиб, бу унинг юқори бошланғич биологик имкониятини кўрсатади. Шунингдек, бошқа вариантларда 15,9; 15,7 ва 13,4 қийматлар қайд этилган. Кейинги босқичларда кўрсаткичлар 11,0; 10,7 ва 10,1 гача пасайган. Энг паст натижалар эса 8,8–8,3 оралиғида кузатилган. Бу навда кўрсаткичларнинг кескин ўзгариши унинг ташқи муҳит омилларига нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Шунингдек, узоқ муддатли ўраш натижасида модда алмашинув жараёнлар издан чиқади, нафас олиш кучаяди ва энергия сарфи ортади.

Старкримсон навида энг юқори бошланғич кўрсаткичлар қайд этилган бўлиб, улар 18,5; 17,7; 17,3 ни ташкил этади. Бу навда ёруғлик энергиясидан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлиб, ассимилянтлар тез тўпланади. Бироқ вақт ўтиши билан кўрсаткичлар 12,5; 11,9; 10,5 гача пасайган, охириги вариантларда эса 9,0–8,1 даражасигача тушганлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Қоғоз қопчаларнинг олма мевалари таркибидаги кимёвий моддаларга бўлган таъсири, %

Тадқиқотда энг юқори натижалар Мутсу навида қайд этилди. Тадқиқотда энг юқори натижалар айнан Мутсу навида кузатилди. Дастлабки максимал қиймат 24,4 ни ташкил этиб, бу бошқа навларга нисбатан анча юқори кўрсаткичдир. Кейинги кўрсаткичлар 21,4 ва 17,2 ни ташкил этган. Бундан

ташқари, бошқа вариантларда 15,6; 15,5; 12,7 қийматлар аниқланган бўлиб, охирги босқичларда кўрсаткичлар 11,7; 10,1 ва 7,8 гача пасайганлиги аниқланди.

Ушбу тадқиқот натижалар шуни кўрсатадики, Мутсу навида ўзлаштириш жараёнилари юқори интенсивликда кечади, барглар йиғиндиси ривожланган ва фотосинтез самарадорлиги юқори эканлиги қайд этилди.

Диссертациянинг «**Олма меваларини сақлашда қоғоз қопчаларнинг аҳамияти ҳамда уларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобда олма мевалари сақланишида уларнинг биометрик ва морфометрик кўрсаткичларининг ўзгаришига қоғоз қопчаларнинг таъсирини ўрганиш, ҳар хил турдаги қоғоз қопчаларни олма меваларида қўлланилишининг иқтисодий самарадорлиги каби йўналишларда илмий ишлар олиб борилди.

Тажрибаларимизда 2022-2024 йилларга оид ўртача кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатадики, олма меваларини сақлаш жараёнида қоғоз қопчаларни қўллаш уларнинг морфометрик параметрлари – узунлиги, эни ва шакл индексининг барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Сақлаш муддати 30 кундан 90 кунгача узайган сари, назорат вариантыдаги меваларда табиий транспирация (намлик йўқолиши) ҳисобига чизиқли ўлчамларнинг бироз қисқариши кузатилган бўлса, қопчалардаги меваларда бу жараён сезиларли даражада жиловланган.

Мева ўлчамларининг сақланиши жадвал маълумотларига кўра, 90 кунлик сақлаш муддати якунида назорат вариантыдаги деярли барча навларда мева узунлиги ва эни ўртача 0,1-0,2 см га камайган. Масалан, Кинг Девид навида назорат вариантыдаги узунлик сақлаш давомида 6,5 см дан 6,4 см га тушган бўлса, оқ қоғоз қопча қўлланилган вариантда дастлабки 6,6 см кўрсаткичи 90-кунга келиб ҳам 6,5 см даражасида барқарор сақланиб қолган.

Олма меваларининг узунлиги, эни ва шакл индексининг сақланиш вақтидаги ўзгарувчанлигига қоғоз қопчаларнинг таъсири (ўртача 2022-2024 йй.)

Навлар номи	Мева узунлиги, см				Мева эни, см				Меванинг шакл индекси			
	Назорат	Оқ қоғоз қопча	Сариқ қоғоз қопча	Қора қоғоз қопча	Назорат	Оқ қоғоз қопча	Сариқ қоғоз қопча	Қора қоғоз қопча	Назорат	Оқ қоғоз қопча	Сариқ қоғоз қопча	Қора қоғоз қопча
30 кун сақлангандан сўнг												
Пинк леди	7,4	7,4	7,4	7,4	7,8	7,9	7,9	7,9	0,9	0,9	0,9	0,9
Гала	6,8	6,9	6,9	6,9	7,3	7,3	7,3	7,3	0,9	0,9	0,9	0,9
Старкримсон	8,1	8,1	8,1	8,1	7,6	7,7	7,7	7,7	1,1	1,1	1,1	1,1
Вильямс Прайд	6,9	7,0	7,0	7,0	7,4	7,5	7,5	7,5	0,9	0,9	0,9	0,9
Кинг Девид	6,5	6,6	6,6	6,6	7,1	7,2	7,2	7,2	0,9	0,9	0,9	0,9
Мутсу	8,2	8,3	8,3	8,3	8,5	8,5	8,5	8,5	1,0	1,0	1,0	1,0
Ред Чиф	7,8	7,9	7,9	7,9	8,1	8,1	8,1	8,1	1,0	1,0	1,0	1,0
60 кун сақлангандан сўнг												
Пинк леди	7,3	7,4	7,4	7,4	7,8	7,9	7,8	7,8	0,9	0,9	0,9	0,9
Гала	6,8	6,9	6,8	6,8	7,2	7,3	7,3	7,3	0,9	0,9	0,9	0,9
Старкримсон	8,0	8,1	8,1	8,1	7,6	7,7	7,6	7,6	1,1	1,1	1,1	1,1
Вильямс Прайд	6,9	7,0	6,9	6,9	7,4	7,5	7,4	7,4	0,9	0,9	0,9	0,9
Кинг Девид	6,5	6,6	6,5	6,5	7,1	7,2	7,1	7,1	0,9	0,9	0,9	0,9
Мутсу	8,2	8,3	8,2	8,2	8,4	8,5	8,5	8,5	1,0	1,0	1,0	1,0
Ред Чиф	7,8	7,9	7,8	7,8	8,1	8,1	8,1	8,1	1,0	1,0	1,0	1,0
90 кун сақлангандан сўнг												
Пинк леди	7,3	7,4	7,4	7,3	7,7	7,8	7,8	7,8	0,9	0,9	0,9	0,9
Гала	6,7	6,8	6,8	6,8	7,2	7,3	7,3	7,2	0,9	0,9	0,9	0,9
Старкримсон	8,0	8,1	8,1	8,0	7,5	7,6	7,6	7,6	1,1	1,1	1,1	1,1
Вильямс Прайд	6,8	6,9	6,9	6,9	7,1	7,4	7,4	7,4	0,9	0,9	0,9	0,9
Кинг Девид	6,4	6,5	6,5	6,5	7,0	7,1	7,1	7,1	0,9	0,9	0,9	0,9
Мутсу	8,1	8,2	8,2	8,2	8,4	8,5	8,5	8,4	1,0	1,0	1,0	1,0
Ред Чиф	7,7	7,8	7,8	7,8	8,0	8,1	8,1	8,0	1,0	1,0	1,0	1,0

Бу ҳолат оқ ва сариқ қоғоз қопчалар мева атрофида ўзига хос микроиклим яратиб, хужайраларнинг сувсизланишини ва мева пўстининг буришишини олдини олиши билан изоҳланади. Натижада, меваларнинг товарлик кўриниши ва ҳажмий кўрсаткичлари назоратга нисбатан юқори даражада сақланади.

Меванинг шакл индекси – узунликнинг энига нисбати бўлиб, сақлаш муддати ва қопчалар туридан қатъи назар, барча навларда юқори барқарорлик намоён этган. Старкримсон нави учун ушбу кўрсаткич энг юқори бўлиб, 1,1 ни ташкил этган бўлса, Мутсу ва Ред Чиф навларида 1,0 даражасида қолган. Шунингдек, Пинк леди, Гала, Вильямс Прайд ва Кинг Девид навларида эса 0,9 кўрсаткичи қайд этилган. Бу шундан далолат берадики, сақлаш давомида меванинг умумий геометрик шакл-шамойили ўзгармайди, яъни меванинг эни ва бўйи пропорционал равишда кичраяди. Қоғоз қопчалар меванинг навга хос морфологик хусусиятини – унинг чўзиқ ёки яссилигини сақлаб қолишга салбий таъсир кўрсатмайди.

Қопчалар ранглариининг қиёсий самарадорлиги шуни кўрсатадики, оқ ва сариқ қоғоз қопчалар мева ўлчамларини сақлашда қора қопчаларга нисбатан биров самаралироқ натижа берган. Қора қопчаларда сақланган меваларда, айниқса 90-кунга келиб, баъзи навларда (Пинк леди, Мутсу, Ред Чиф) кўрсаткичлар назорат вариантыга яқинлашган. Бу қора рангнинг иссиқликни кўпроқ ютиши ва қопча ичидаги ҳароратнинг биров юқори бўлиши ҳисобига нафас олиш жараёнининг фаоллашиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Олма меваларини узоқ муддатли сақлашда оқ ва сариқ қоғоз қопчаларни қўллаш, меваларнинг чизиқли ўлчамларини дастлабки ҳолатга яқин даражада сақлашга хизмат қилади ва уларнинг бозорбоп шаклини ўзгартирмайди (2-жадвал).

Тадқиқот даври (2022-2024 йй.) давомида олинган ўртача кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, олма меваларини етиштириш жараёнида турли рангли қоғоз қопчалардан фойдаланиш ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига олиб келган бўлса-да, якуний иқтисодий натижадорликнинг сезиларли юқорилашини таъминлаган. Хусусан, назорат вариантыда умумий харажатлар 120 000,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, қопчалар қўлланилган вариантларда бу кўрсаткич қўшимча инвентарь ва ишчи кучи талаби ҳисобига 159 989,7 минг сўмга (яъни 33,3% га) ошганлиги кузатилади.

Бозор қиймати ва даромад шаклланиши. Инновацион технологиянинг энг муҳим илмий жиҳати маҳсулотнинг товарлик сифати ва экспортбоплик даражасининг ошишида намоён бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики:

Оқ қоғоз қопчалар қўлланилганда меванинг сотиш нархи назоратга нисбатан 21,4% га (14 000 сўмдан 17 000 сўмга) кўтарилган. Сариқ ва қора қоғоз қопчалар эса энг юқори иқтисодий самара бериб, сотиш нархини 28,6% га (18 000 сўмгача) ошириш имконини берган.

Бу ҳолат меваларнинг ташқи муҳит таъсиридан, зараркунандалардан ва куёш нурунинг тўғридан-тўғри куйдиришидан химояланганлиги, натижада пўстлоқ рангининг бир текис ва жозибадор шаклланганлиги билан изоҳланади. Маҳсулот сотишдан олинган умумий даромад назорат вариантыдаги 350 000,0 минг сўмдан, сариқ ва қора қопчали вариантларда 450 000,0 минг сўмгача

кўтарилгани илмий-амалий жиҳатдан юқори натижа ҳисобланади (3-жадвал).

3-жадвал

Олма навларида турли қоғоз қоғчаларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги (ўртача 2022-2024 йй.)

Тажриба вариантлари	Қоғчалар харажати			Умумий харажатлар, минг сўм	Бир кг маҳсулот. ўртача сотиш нархи, сўм	Маҳсулот сотишдан даромад, минг сўм	Маҳсулот сотишдан фойда, минг сўм	Рентабеллик, %
	сарфланган қоғчалар сони, дона	бир донаси, сўм	жами харажат, минг сўм					
Назорат	-	-	-	120000,0	14000,0	350000,0	230000,0	191,7
Оқ қоғоз қоғча	44433	900	39989,7	159989,7	17000,0	425000,0	265010,3	165,6
Сариқ қоғоз қоғча	44433	900	39989,7	159989,7	18000,0	450000,0	290010,3	181,3
Қора қоғоз қоғча	44433	900	39989,7	159989,7	18000,0	450000,0	290010,3	181,3

Фойда ва рентабеллик муносиблиги. Иқтисодий самарадорликнинг бош мезони бўлган соф фойда кўрсаткичи бўйича сариқ ва қора қоғчалар қўлланилган вариантлар мутлақ етакчилик қилмоқда. Ушбу вариантларда соф фойда 290 010,3 минг сўмни ташкил этиб, назоратга нисбатан гектарига қўшимча 60 010,3 минг сўм ёки 26,1% кўп фойда олинган.

Рентабеллик даражасига тўхталадиган бўлсак, назорат вариантыда харажатлар камлиги эвазига бу кўрсаткич 191,7% ни ташкил этган. Бироқ, оқ қоғчаларда рентабеллик 165,6%, сариқ ва қора қоғчаларда эса 181,3% ни ташкил этиши, харажатларнинг кўпайишига қарамай, ишлаб чиқаришнинг интенсивлик даражаси ва маҳсулот сифатининг кескин ошганлигини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

1. Олма навларининг фенологик ривожланиши иқлим омиллари ҳамда ҳар бир навнинг биологик хусусиятларига боғлиқ равишда турлича кечади. Қоғоз қоғчалар қўлланилган вариантларда барча навларда меваларнинг пишиши кечикди ва давомийлиги узайди. Оқ қоғчалар таъсири ўрта даражада бўлса, сариқ қоғчаларда кечикиш кучлироқ, қора қоғчаларда эса энг юқори даражада кечди (40-50 кунгача).

2. Меваларнинг биометрик кўрсаткичлари дастлабки босқичларда қоғчалар ўсишни секинлаштирган бўлса-да, кейинги босқичларда улар назоратдагидан йирикроқ ва оғирроқ мева ҳосил қилди. Бу қоғчалар меванинг ривожланиш муддатини узайтириб, унга кўпроқ ўсиш имкониятини берганини англатади. Олманинг ҳосилдорлиги Гала ва Ред Чиф навларида сариқ ва қора қоғчалар таъсирида сезиларли ошди.

3. Қоғоз қоғчалар мева анатомияси ва физиологиясига ҳам таъсир қилиб, меваларда антоцианлар тўпланишини пасайтирди, мева рангининг шиддатини ўзгартирди ва бир хил кўриниш шаклланади. Қоғоз қоғчалар мева юзасини тўғридан-тўғри офтоб нуридан, механик шикастланишдан ҳимоя қилди. Қоғоз

қопчалар олма меваларининг кимёвий таркибига сезиларли таъсир кўрсатади. Қора рангли қопчалар, меваларнинг пишишини секинлаштириш орқали улардаги қанд миқдорини камайтириб, кислота миқдорини ошириб юборади. Натижада, меванинг таъми нордонроқ бўлади ва қанд-кислота индекси пасаяди.

4. Қоғоз қопчалар олмада учрайдиган зараркунандалардан ҳамда касалликлардан самарали химоя қилади. Бу химоя, қопчалар мева юзасида механик тўсиқ вазифасини бажариши орқали амалга ошади. Сарик ва қора рангли қопчалар бу борада юқори самарали ҳисобланади.

5. Қоғоз қопчалар олма меваларининг нафас олиш жараёнини секинлаштиради. Совутиладиган омборхонада сақлаш меваларнинг пишиш жараёнини секинлаштирган, бу эса кимёвий моддаларнинг ўзгаришини камайтирган. Совутилмайдиган омборхонада эса бу ўзгаришлар тезроқ юз берган. Қоғоз қопчалар билан ўралган меваларда кимёвий таркиб назоратдагидан фарқ қилган, аммо бу фарқлар сақлаш муддатига қараб ўзгариб туради.

6. Сарик қоғоз қопча билан ўралган меваларнинг пўсти ва эти қаттиқлиги 30 кун сақланганидан сўнг Старкримсон навида $9,4 \text{ кг/см}^2$ ва Ред Чиф навида $8,4 \text{ кг/см}^2$ ташкил қилди. Шу билан бирга, олма мевалари 60 ва 90 кун сақланганидан сўнг, мева пўсти ва этининг қаттиқлиги асосан оқ қоғоз қопча билан ўралган вариантларда юқори бўлганлиги кузатилди. Бундан ташқари, сарик қоғоз қопчаларга ўралган мевалар узоқ муддат сақланганида уларнинг рангларини ўзгарувчанлиги паст даражада бўлганлиги аниқланди.

7. Олма меваларидаги қоғоз қопчалар кўп ҳолларда уларнинг органолептик кўрсаткичларини пасайтириб юборади. Навлар орасида, Пинк леди навида қўлланилган қоғоз қопчаларнинг барча турлари умумий баҳони пасайтирган (мос равишда 3,5; 3,6 ва 3,7 балл). Старкримсон навида эса ранг ва таъм кўрсаткичларидаги пасайиш айниқса сезиларли бўлган. Мутсу навида қўлланилган қоғоз қопчалардан фойдаланиш натижасида умумий баҳо 3,0-3,1 баллгача тушиб кетган.

8. Қопчалар учун сарфланган қўшимча харажатларга қарамай, соф фойда назорат вариантыга нисбатан 23,5-48,0 миллион сўмга кўпайган. сарик қоғоз қопчаларни қўлланиши энг юқори иқтисодий самарадорлик, энг юқори ўртача сотиш нархи (8000 сўм/кг) ва энг юқори соф фойда (95 017,3 минг сўм) келтирган.

9. Олма боғларида қоғоз қопчалардан самарали агротехник усул сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Бу усул орқали ҳосил сифатини яхшилаш, меваларни зарарли омиллардан муҳофаза қилиш, ҳосилдорликни ошириш ва бозорга чиқариш муддатини назорат қилиш имконияти мавжуд. Қопчалаш муддатини гуллашдан 20-30 кундан кейин амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

10. Боғдорчиққа ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда мева-узум маҳсулотларини сақлаш корхоналарига:

- экспортбоп, сифатли ва юқори ҳосилли олма навларини етиштириш учун меваларни мева тугунчалари шаклланган давридан бошлаб сарик қоғоз қопчалар билан ўралган ҳолда парваришлаш;

- олма меваларини узоқ муддат сақланишини таъминлашда оқ ва сарик қоғоз қопчаларни ўраган ҳолда сақлаш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.08/2025.27.12.Qx.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

ГАНИЕВА ДИЛЬНОЗА МУКУМЖОНОВНА

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ ВЫРАЩИВАНИЯ И
ХРАНЕНИЯ СОРТОВ ЯБЛОНИ НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

**06.01.07 – Плодоводство и виноградарство
06.01.11 – Хранение и переработка сельскохозяйственной продукции**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2026.1.PhD/Qx1737.

Диссертация выполнена в Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Исламов Сохиб Яхшибекович, доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Искандаров Зафар Самандарович, доктор технических наук, профессор Бобаева Хилола Абдурахмановна, доктор философии по сельскохозяйственным наукам
Ведущая организация:	Наманганский государственный технический университет

Защита диссертации состоится 2 июня 2026 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.08/2025.27.12.Qx.02.02 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; здание Информационно-ресурсного центра Ташкентского государственного аграрного университета, 2–этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 556485). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260–50–43).

Автореферат диссертации разослан 18 мая 2026 года.
(реестр протокола рассылки №28 от 7 апреля 2026 года).

Ш.И. Асатов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор

М.З. Холмуротов

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней,
д.ф.с.х.н., доцент

С.А. Юнусов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Площадь садов яблони в мире ежегодно увеличивается. “В этом отношении лидируют такие страны, как Китай (2,0 млн га), Индия (304 тыс. га) и Россия (201 тыс. га), а общая площадь яблоневых садов в мире составляет 4,6 млн га”¹. Во многих странах, занимающихся выращиванием яблони, серьезное внимание уделяется качеству фруктов. Поэтому производство безопасной и высококачественной продукции остается одной из главных задач. Сегодня очень важно выращивать яблони, используя технологии, которые не наносят вреда окружающей среде, сохраняют полезных насекомых и не представляют угрозы для здоровья человека. Эти методы гарантируют натуральность фруктов и повышают доверие потребителей.

Изменения качества и физиологические процессы, связанные с использованием бумажных пакетов для обертки фруктов, широко изучались во всем мире. В последние годы, помимо традиционных видов фруктов, в обертку бумажными пакетиками стали включать многие редкие, субтропические и тропические фрукты. Однако исследования бумажных пакетов в Средней Азии с резко континентальным климатом и их значение для производства яблок остаются неясными.

В последние годы Республика Узбекистан приняла ряд законодательных и подзаконных актов, направленных на развитие плодовоовощеводства, в частности, выращивания фруктов с использованием экологически чистых технологий и производства продукции, ориентированной на экспорт. В частности, в Указах Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» и «О дополнительных мерах по обеспечению соответствия показателей качества и безопасности сельскохозяйственной продукции международным стандартам» определены задачи и планы «...постепенного перехода к органическому производству на сельскохозяйственных... землях...». В достижении этих целей актуальным вопросом является создание садов, основанных на экологически чистых технологиях, производство в них экспортно-ориентированной плодовой продукции с использованием естественных методов и в условиях органического земледелия, а важным фактором служит возможность производства высококачественной плодовой продукции в садах без применения пестицидов, гербицидов и минеральных удобрений в соответствии с зарубежным опытом.

